

Учқун МАМАНАЗАРОВ
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси магистранти

ШАХС ДУНЁҚАРАШИ ВА МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ

Илм ва фан тобора тараккий топиб бораётган бугунги кунимизда дунёвийлик ҳамда динийлик каби тушунчалар биз яшаётган ушбу давримизнинг ҳам эътиборга молик томонларидан бири сифатида талқин этилади. Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида биз юқорида келтирган икки хусусият инсонлар ҳаёт тарзига, ахлоқ-одобига, маънавиятига, келажакка бўлган ишончига, эътиқодига умумлаштириб айтганда, шахс дунёқарашини белгилаб берувчи мезон сифатида қарашимизга туртки бўлади.

XXI асрнинг ўзига хос жиҳати турли кўринишдаги ахборотларнинг тезлик билан тарқалиш имкониятига эга эканлиги ҳамда ушбу ахборот оқимининг кенг қамровлилигидадир. Бундай шароитда ёшлар ва умуман мамлакатимиз аҳолисини турли хилдаги ёт ғоялардан ҳимоя қила олиш ва бузғунчи ўй-фикрларга берилмаслигини таъминлашда улўғ аждодларимиз қолдирган илмий мерос намуналарини яна ҳам яхшироқ ўрганиш ҳамда уларни ҳаёт-турмуш тарзимизга янада кенгрок сингдириш мақсадга мувофиқ. Чунки айни давримизда дунёнинг турли минтақаларидаги субмаданиятлашув ходисаси, миллатчилик, кўпоровчилик ва шу каби умуминсоний кадриятларга зид бўлган қарашларни тарғиб қилувчи ижтимоий тармоқларнинг мавжудлиги фикримизни исботлайди.

“Бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида, хусусан, Яқин Шарқ минтақасида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қараш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишлар замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда жамият олдида бир қатор комплекс масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов 2013 йил 31 августда “Шаҳидлар хотираси” хиёбонида ўтказилган маросимда уламо-лар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбат чоғида ушбу масалага алоҳида тўхталиб шундай деган эди. “Бундай ғаразли кучларнинг асосий нияти – ҳали ҳаётий тажрибаси, сиёсий-ижтимоий савияси етар-

ли бўлмаган, содда ва ғўр ёшларни йўлдан уриш, ўзининг қабих ниятлари йўлида фойдаланиш эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Фақатгина мустақил фикрлайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган эзгу кадриятларга садоқатли бўлган инсонгина бундай кутқуларга учмаслиги, тўғри йўлдан адашмаслиги мумкин. Бунинг учун, албатта, биринчи навбатда фарзандларимизни юксак билим ва маънавий фазилатлар билан қуроллантиришимиз лозим. Уларга биз учун муқаддас бўлган ислом динининг чинакам инсоний моҳиятини, унинг тинчлик, яхшилик, меҳр-шавқат, ҳамжиҳатлик дини эканини тўғри тушунириб беришимиз керак. Бизга ёт ва бегона бўлган турли зарарли оқимлардан ҳимояланиш учун одамларга бу борадаги бор ҳақиқатни етказиш зарур. Таъбир жоиз бўлса, бундай хавф-хатарлардан одамларни, авваламбор, ёш авлодни ҳақиқат билан ҳимоя қилиш керак”¹. Шу мақсадда, диний мутаассиблик, экстремизмнинг келиб чиқиши, уларга молиявий, руҳий кўмак берувчи радикал диний-сиёсий ташкилотларнинг фаолияти, ғоялари ва ғаразли мақсадларининг таҳлилига бағишланган тизимли тадқиқот яратиш ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунимизда юқоридаги хатарлар билан бир қаторда мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти эътиқод қиладиган ислом дини ва улўғ аждодларимиз қолдирган илмий меросга нисбатан ҳам таҳдидлар борлиги маълум. Ушбу таҳдидлар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида айниқса, кўзга ташланган эди. Бузғунчи ғоялар биринчи навбатда ҳали диний ва дунёвий билимларга етарлича эга бўлмаган ҳамда ҳали ҳаётда ўз йўлини топишга улғурмаган айрим ёшларни ўз йўлларига оғдириб олишга ҳаракат қилишган бўлса, иккинчидан асрлар давомида юртимиз аҳолиси ўрганган ва амал қилган диний манбалар, яъни ақида, калом, фикҳ,

¹ Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов ва бошқ. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2013. – Б. 4-5. “Аждодлар хотираси муқаддас // “Тошкент оқшоми” газетаси. 2013 йил 1 сентябрь, 177-сон.”.

тасаввуфий масалаларга нисбатан шубҳа келтириб чиқариш ҳамда ўзларидаги ёт ғояларни сингдириш ва бу билан мамлакатда ижтимоий-сиёсий парокандаликни келтириб чиқаришга бўлган ҳаракатлар кўзга ташланган эди. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, мамлакатимиздан етишиб чиққан етук олимларимиз ва мутасадди ҳодимлар юқоридаги каби ҳолатларга нисбатан ўзларининг тегишли раддияларини бера олишди ва бериб келишмоқда ҳам.

Маълумки Мотуридия таълимоти Аҳли суннат вал-жамоат ақоидига асос бўлган икки йирик йўналишдан бири ҳисобланади. Шу сабаб Мотуридия таълимоти тамойиллари ва бу таълимотнинг психология фани нуктаи-назаридан шахс дунёқараши шаклланишидаги ўрни тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. “Ният, ирода ва қасд – буларнинг ҳаммаси бир хил маънода. Маъноси: Аллоҳ ризосини топишга ва Унинг ҳукмларини тadbик этишга қаратилган ирода, дегани”². Юқоридаги таъкидларда ниятнинг ирода, қасд каби сўзлар билан бир маъно қасб этиши ва энг муҳими ниятнинг нимага қаратилганлигига эътибор берилмоқда.

Психология фанида ҳам ушбу сўзлар ифода-лайдиган махсус тушунчалар мавжуд. “Жаҳон психологияси маълумотларининг кўрсатишича, ҳулқ-атворнинг муҳим мотивларидан бири бўлиб эътиқод ҳисобланади. Баъзи манбаларда унга мана бундай таъриф берилган: эътиқод – шахсни ўз қарашларига, принципларига, дунёқарашига мувофиқ тарзда қарорга келишига ундайдиган муҳим мотивлар тизимидир. Бошқа сўз билан айтганда, эътиқод шаклида намоён бўладиган эҳтиёжларнинг мазмуни бу табиат, теварак-атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар ва уларнинг муайян тарзда тушунилиши демакдир. Бу билимлар фалсафий, эстетик, табиий-илмий нуктаи-назардан тартибга солинса ва ички уюшган тизими ташкил этилса, у тақдирда шахснинг дунёқараши сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқ.

Психология фани дунёқарашнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ қилади, ижтимоий тарихий ҳодисаларнинг тўғри баҳоланишини, эволюцион йўсинда таркиб топишини, ахлоқий принциплар, дидлар юз беришини, табиат ҳодисаларига ва жамиятнинг қонуниятларига нисбатан қарашларнинг шаклланиши қай тариқа юз беришини ва бошқаларни аниқлайди”³.

Мотуридий таълимотига кўра, “Иймон зиёда ва ноқис бўлмайди”, дейилади. Иймон тасдиқ ва иқрордир, лекин амал зиёда ва ноқис бўлади.

Умар Насафий раҳматуллоҳи алайҳи бу маънони куйидагича ифода этган: “Иймон – Аллоҳ таолодан келган нарсани тасдиқлаб, унга иқрор бўлишдир. Аммо амалларнинг ўзи зиёда бўлади. Иймон зиёда ҳам, ноқис ҳам бўлмайди”⁴.

Шунингдек, “Васатия – ҳаёт йўли” китобида бундай дейилади: “Калимаи шаҳодатни айтиб, ўзининг мусулмонлигини билдириб турган кишига тегмаслик, унинг жонига, молига зарар етказмаслик зарур. Зоҳирида мусулмон бўлиб кўриниб, Ислонинг зоҳирий амалларини қилаётганлар билан мусулмонча муомала қилинаверади. Кишиларнинг ички сирлари ва ҳисоб-китоблари Аллоҳнинг Ўзига ҳавола! “Ла илаҳа иллаллоҳу”ни айтиб, зоҳирида мусулмон бўлиб кўринган одамни қилган гуноҳиши туфайли кофирга чиқармаймиз. У кофир эмас, осий мўмин бўлади. “Калимаи тавҳид”ни айтиб, ислонни зоҳиридан кўрсатиб турган одамни амали туфайли ислон дини, ислон миллатидан чиқармаймиз. Бундай одамларга амалига яраша тайин шаръий жазо берилади. Эътиқоди бузилмаса, ислондан чиққан ҳисобланмайди. Умумий қоида – шу!”⁵

Яна бир мисол “Иймоннинг моҳиятини ва Аҳли суннат йўлини ўргатмоқ жуда муҳим масаладир. Салафи солиҳийн бу борада жуда кўп асар тақдим этганлар. Хулоса қилиб айтганда, бир киши: “Мен Аллоҳнинг буюрган нарсаларини қабул қиламан, қайтарган нарсаларидан сақланаман” деб, буни тили билан иқрор қилиб, қалби билан ҳам тасдиқ этса, иймони саҳиҳ, у мўминдир”⁶. Давримизнинг кўзга кўринган ва дунё микёсида тан олинган кўп-лаб олимлари айнан юқоридаги қарашга эга.

Иймон ва эътиқод тушунчаси дин психологияси фанининг ҳам ўрганиш объекти ҳисобланади. Қуйидаги таърифда ҳам буни учратамиз: “Иймон ва эътиқод тушунчаси бир-бирига яқин маънода бўлса ҳам, улар ўртасида нозик тафоввут бор. Эътиқод тушунчасида диний маънода, Аллоҳнинг каломи ҳақиқий эканлигига астойдил ишониш, боғланиш ва унга амал қилиш тушунилади. Шу маънода айрим тадқиқотчилар эътиқодни иймондан кенгрок деб тафсирлайдилар. Сабаби, иймон фақат ишонишни билдирса, эътиқод унга қаттиқ боғланишни, амал қилишни англатади”⁷.

Хулоса қилиб айтганда, баркамол авлодни тарбиялашда диний кадрятлардан фойдаланиш бизга фақатгина фойда беради, холос.

⁴ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар сабаблар ечимлар. – Тошкент: Ҳилол, 2019. – Б.224.

⁵ Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов ва бошқ. – Тошкент: 2013-Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Васатия – ҳаёт йўли. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б.247.

⁶ Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушонавий. Жомий ул-мутун. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000.-Б.110.

⁷ Б.Валиев [ва бошқ.]-Дин психологияси: ўқув қўлланма.- Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014.-Б.82

² Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушонавий. Жомий ул-мутун. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000.-Б.192 .

³ Э.Ғозиев. Умумий психология. – Тошкент: Университет, 2008. -Б 180 .